

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди  
№ MO 3-41  
2014 йил



Санъатшунослик (турлари бўйича)

йўналишлари бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

Тошкент – 2017

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСINI ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСINI ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва ўрта  
махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий  
бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашининг  
201\_\_ йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ - сонли байномаси билан  
маъқулланган.*

Тузувчилар: “Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида  
жамият ривож ва таълим-тарбия масалалари” модули:  
с.ф.д., проф. И.Эргашев, ф.ф.д., проф. М.М.Қаҳҳарова.

“Таълим-тарбия жараёنларини ташкил этишнинг  
қонунийлик ҳужжатлари” модули: ю.ф.н., доц.  
В.Топилдиев, ю.ф.н., доц.О.Х.Нарзуллаев.

“Инновацион таълим технологиялари ва педагогик  
компетентлик” модули: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, п.ф.н.  
М.Т.Мирсолнева, ўқитувчилар И.А.Эшмаматов,  
К.Рисқулова.

“Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий,  
касбий ахборот майдонини лойиҳалаш” модули: ф-м.ф.н.,  
доц. Х.Холмелов, катта ўқитувчилар В.Ҳамидов,  
М.Файзиёва, ўқитувчилар Т.Шаймардонов, А.Обидов.

“Амалий хорижий тил” модули: катта ўқитувчилар.  
У.Гисова, Ф.Бойсариева; Ўзбекистондаги Британия  
Кенгашининг етакчи мутахассислари.

“Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли тахлил  
ва қарорлар қабул қилиш технологиялари” модули:  
ф.ф.д., проф. Р.Самаров, пс.ф.н. Х.М.Алимов, ф-м.ф.н., доц.  
А.З.Каримов.

Махсус фанлар бўйича: соц.ф.д., проф. М.Бекмуродов,  
сан.ф.д., проф. О.Таджибаева, сан.ф.н., доц. А.Ризаев,  
филс.ф.н., доц. М.Умаров, кат.ўқитувчи М.Савочкин

Такризчилар: С.Қолирова – Ўзбекистон давлат санъат ва маданият  
институтини “Санъатшунослик ва маданиятшунослик”  
кафедраси профессори, сан.ф.д.

А.Мансуров – Ўзбекистон давлат консерваторияси  
“Бастакорлик ва чоллаштириш” кафедраси профессори

Ўқув дастури Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини Кенгашининг қарори билан  
тасдиқла таъсис қилинган (2017 йил 3 майдаги 11/10 -сонли байнома).

Кириш

Дастур ривожланган мамлакатлардаги мавжуд халқаро таъриблар  
асосида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил  
12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш  
чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги  
“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакаатлар  
стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармоилари, шунингдек 2017 йил 20  
апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари  
тўғрисида” ги ПҚ-2909-сонли қарориди белгиланган устивор вазифалар  
мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида  
қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини  
такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг  
касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмунини олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва  
қонунийлик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат,  
таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш,  
амалий хорижий тил, тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус  
фанлар негизиди илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик таракқиёт ва ўқув  
жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар,  
педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи,  
мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш  
бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда  
тутади.

Дастур доирасида берилётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог  
кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмунини, сифати ва уларнинг  
тайёрғарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари  
асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог  
кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари,  
илгор хорижий таъриблардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация  
технологияларини ўқув жараёнига кенг таъбиқ этиш, чет тилларини интенсив  
ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий  
фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия  
жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли тахлил қилиш,  
шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан  
боғлиқ компетентияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос  
хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда  
тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака  
ҳамда компетентияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши  
мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги  
модуллар мазмунини ўз ичига қамаб олади.

## **I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожига ва таълим-тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

## **II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

2.2. Санъатшунослик фанларини ўқитиш методикаси.

## **III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаш**

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойihalаш.

3.2. Санъатшунослик фанларини ўқитишда компьютер технологиялари.

## **IV. Амалий хорижий тил**

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

## **V. Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари**

5.1. Олий таълим жараёнида бошқаришда тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш технологиялари.

5.2. Мафқуравий иммунитетни шакллантиришда тизимли тахлил.

## **VI. Махсус фанлар**

6.1. Санъатшуносликнинг замонавий тенденциялари.

6.2. Санъатшуносликда илгор хорижий тажрибалар.

6.3. Арт менежмент.

## **VII. Педагогик амалиёт**

## **VIII. Малакавий аттестация**

### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларини юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади.

Курснинг вазифаларига қуйидагилар кирди:

“Санъатшунослик (турлари бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш; педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш; махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илгор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Санъатшунослик (турлари бўйича)” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари”, “Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмунини, сифатини ва уларнинг тайёрларини ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетентцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- санъатшуносликнинг ривожланиш тенденцияларини;
- санъатшунослик фанларининг назарий асосларини;
- санъатшунослик фанининг олий таълим тизимидаги ўрнини;
- санъатшуносликнинг долзарб муаммоларини;
- санъатшунослик фанларини ўқитишда инновацион технологияларни;
- санъатларнинг ўзаро интеграциясини;
- санъат соҳасидаги турли замонавий услублар, йўналиш ва тамойилларни;
- арт менежментнинг назарий ва амалий асосларини;
- арт менежментнинг функциялари ва тамойилларини билиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- санъатшунослик йўналиши бўйича хорижий манбалардан педагогик фаолиятда фойдаланиш;
- санъатшунослик бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланиш;
- инновацион ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш;

демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.Мирзиёев демократик ислохотларни изчил давом эттириш тўғрисида. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларини химоя қилиш – давлат сиёсатини устувор йўналиши. Халқ давлат қабулхоналари ва виртуал марказларининг ташкил этилиши. Халқ давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари халқ учун ишлашининг зарурлиги. (Қўшпирноқ ичидаги гап олиб ташланган, Эътибор беринг!) Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик раҳбар фаолиятининг асоси эканлиги. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясининг ишлаб чиқиши, унинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган tub демократик ўзгаришлар. Таълим соҳасидаги ислохотлар, модернизациялаш ва интеграциялашиш жараёнлари. Жамиятдаги ўзгаришларда ёшларнинг иштироки. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ва унинг аҳамияти.

## 1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқиш ва амалга қилиниш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Коррупцияга қарши курашнинг қонуний асослари ва унинг олдини олишнинг омиллари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қондаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарорининг мазмун-моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4732-сон Фармони, 2016 йил 30 ноябрдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 12 июндаги ПҚ-4732-сон Фармонига ўзгартириш ва қўшимча қилиш тўғрисида”ги ПҚ-4860-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПҚ-4947-сонли, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-4958-

- санъат соҳалари бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар ва тадқиқотлар натижаларини амалиётга тадбиқ этиш;
- санъатшунослик соҳасидаги модернизация ва ўзгаришларни ўзлаштириш ҳамда дарс жараёнларига сингдириш;
- санъатшуносликнинг долзарб муаммоларини таҳлил қилиш ва ечимини аниқлаш;
- санъатшунослик соҳасидаги инновацияларни илмий-тадқиқот ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

### Тингловчи:

- санъатшунослик фанларига инновацион технологияларни жорий қилиш;
- санъатшунослик фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш;
- санъатшуносликнинг замонавий ривожланиш тенденцияларини назарий асосда ўқув жараёнига тадбиқ этиш;
- санъатшунослик фанларининг методик таъминотини яратиш;
- санъатшунослик фанларини ўқитишда илгор хорижий тажрибани қўллаган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш малакаларига эга бўлиши зарур.

### Тингловчи:

- санъатшунослик соҳасида машғулотларни илгор педагогик ҳамда замонавий ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш ва бошқариш;
- санъатшунослик йўналиши бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш;
- санъатшуносликда илмий-тадқиқот методологиясини ривожлантириш компетенцияларига эга бўлиши лозим.

### Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтага 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПҚ-4732-сон Фармони 3-илоvasи билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

“Санъатшунослик (турлари бўйича)” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни

### 1. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривож ва таълим-тарбия масалалари.

Мустақил демократик тараққиёт ва жамият ривож. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентини И.А.Каримов асарларида жамият ривожига доир янгича назарий-концептуал ғоялар. Мамлакатимизда

сонли, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизimini янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарор ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Ўзлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини яхшилаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Ўзлуксиз таълим тизimini дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хуусидаги 20-сонли Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори, 2015 йил 2 мартдаги “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 36-сонли қарори, 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 136-сонли қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очик лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар.

Олий ва ўрта махус таълим вазирлигининг 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 136-сонли буйруғи, 2017 йил 1 мартдаги «Янги ўқув услубий мажмуаларни тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмани тавсия этиш тўғрисида»ги 107-сонли буйруғи, 2017 йил 13 мартдаги «Олий таълим муассасалари кафедралари Кенгашларини ташкил этиш тўғрисида»ги 138-сонли буйруғи, 2015 йил 7 апрелдаги “Олий таълим муассасалари талабалари республика фан олимпиадаси тўғрисида»ги 123-сонли буйруғи, 2017 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизimini янада

ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги Қарорини ижроси тўғрисидаги 244-сонли буйруғи, 2017 йил 26 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 майдаги 304-сонли Қарори ижроси тўғрисида”ги 342-сонли буйруғи.

## II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

### 2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари. Инновацион жараёнларнинг кечиб босқичлари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахста йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, case study (кейс стади), маҳораг дарслари, ассиемент методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологик, методик, инновацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳораг асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали хал этиш йўллари. Замоनावий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириш бориши.

Креативлик-педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари.

### 2.2. Санъатшунослик фанларини ўқитиш методикаси.

Таълим жараёнининг тузилимаси. Машгулот турлари, шакллари. Санъатшунослик фанлари ўқитилишида замоनावий ёндашувлар. Очик дарсларни ўтказиш ва дарсларни таҳлил қилиш методикаси. Дарслик ва электрон дарслик ҳамда ўқув ва электрон ўқув қўланмалардан фойдаланиш методикаси. Назарий дарсининг технологик харитасини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига татбиқ этиш масалалари. Илгор хорижий тажрибалар асосида ўқув-услубий мажмуаларни яратиш ва модул асосида дарсларни ташкил этиш услубиёти. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси. Санъатшунослик фанини

Ўқитишда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш. Санъатшунослик фанлари ўқитилишининг методологик масалалари. Санъатшунослик анъаналари ва етакчи тенденцияларини ўқитишда инновацион педагогик технологияларнинг аҳамияти.

### III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

#### 3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш имкониятлари.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш. Microsoft Office пакетининг замонавий версиялари таснифи. Microsoft Office пакети дастурларида (MS Word, MS Excel, MS Power Point ва б.) ўқув-методик материалларини яратиш усуллари.

Web 2.0/3.0 технологиялари. Педагогик дастурий воситалар. Муаллифлик дастурлари (Spring Free, Articulate ва бошқ.) ва улардан фойдаланган ҳолда мультимедиа электрон ўқув ресурсларини яратиш.

Компьютер тармоқлари. Интернет технологиялари характеристикаси. Интернет тармоғининг асосий хизматлари ва унда мулоқот турлари. Интернет ресурсларидан таълимда фойдаланиш. Ziyonet.uz таълим портали. Google асоб ускуналари ва хизматлари (сервислари)дан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини лойиҳалаш. Электрон портфолио ва унда ишлаш технологиялари.

Масофавий таълим ва уни ташкил этиш асослари. Moodle масофавий таълимни бошқариш тизимида ўқув ресурсларини яратиш ва жойлаштириш.

Ахборотга таҳдидлар. Ахборотни химоялашнинг замонавий восита ва усуллари. Идентификация ва аутентификация жараёнлари.

#### 3.2. Санъатшунослик фанларини ўқитишда компьютер технологиялари

Санъатшунослик фанларида замонавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти. Замонавий ахборот воситаларини санъатшунослик билан боғлиқ фанларда қўллаш истиқболлари ва замонавий тенденциялар. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари. Санъатшунослик фанларига модуль тизимини тадбиқ этишда замонавий дастурлар (аудио, видео, графика муҳаррирлари ва б.)дан фойдаланиш. Плакатлар ва буклетлар тайёрлаш. Анъанавий ва ноанъанавий тестларни ишлаб чиқиш ҳамда тадбиқ этишда янги дастур ва иловалардан фойдаланиш.

### IV. Амалий хорижий тил

#### 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсиив усуллари.

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва

тилга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот муҳити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-В1-В2 оралиғида). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўрганувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (Ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот маззулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган маззулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

### V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

#### 5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш технологиялари.

Тизимли таҳлил назарияси фанлараро назария сифатида. Тизим ва тизимнинг белгилари. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли таҳлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли синтез. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли таҳлилининг амалга ошириши. Тизимли таҳлилининг амалга оширишнинг асосий босқичлари. Тизимли таҳлилининг амалга ошириш моделлари. Тизимли таҳлилининг амалга ошириш методлари.

Қарор тушувчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларга қўйиладиган асосий талаблар.

Қарор вариантларини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёнини бошқаришда қарорларнинг ўрни. Қарор натижаларини баҳолашнинг экспертли ва прогностик методлари. Қарорлар самардорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми. Педагогик фаолиятда қарор қабул қилиш технологияси. Қарорлар ижросининг назорати.

#### 5.2. Мафқуравий иммунитетни шакллантиришда тизимли таҳлил

Ахборот маънавий ва мафқуравий хавфсизлик асоси. Оммавий маданият,-маданият кушандаси. Иллатларни кадриятларга айлангаириш мазмуни ва унинг Ўзбекистон халқига таҳдиди. Бугунги глобаллашув шароитида маданият соҳаси ходимлари онгида мафқуравий иммунитетни шакллантириш муаммолари. Ахборот соҳасида таҳдидлар. Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигининг бугунги ҳолати. Оммавий, ёт маданиятнинг юртимизга кириб келиши мафқуравий таҳдид сифатида.

Глобаллашув шароитида маданият соҳаси ходимлари онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш муаммолари.

#### VI. Махсус фанлар

##### 6.1. Санъатшуносликнинг замонавий тенденциялари.

Санъат – жамият тараққиётининг муҳим омили сифатида. Санъат турлари. Санъатшунослик фанининг назарий ва амалий асослари. Театр-синтетик санъат сифатида. Санъатшунослик соҳасида илмий тадқиқотлар. Санъат соҳасидаги турли замонавий услуб ва йўналишлар. Санъатшуносликнинг ривожланиш тенденциялари.

##### 6.2. Санъатшуносликда илгор хорижий тажрибалар.

Замонавий санъатшунослик мактаблари. Санъатшунослик бўйича хорижий мамлакатлар тажрибалари. Санъатшуносликнинг бугунги ҳолати ва долзарб муаммолари. Таълим сифатининг ижобий ўзгаришига хизмат қилувчи омиллар. Санъатларнинг ўзаро интеграцияси. Хорижий адабиётлар таҳлили, таълим жараёнига тадбиқ этиш масалалари. Санъатшунослик фанларига инновацион технологияларнинг жорий қилиниши. Анъанавий таълим тизимининг бойиши ва модернизацияланиши.

##### 6.3. Арт менежмент.

Менежмент тушунчаси, турлари ва унинг бугунги кундаги аҳамияти. Арт менежмент назарияси ва технологияси. Санъат соҳасини мувофиқлаштиришда менежментнинг ўрни. Санъат соҳасида раҳбар типи. Бошқарувда инсон салоҳияти ва инсон капиталининг ўрни. Санъат соҳасида менежмент технологияларини қўллашнинг аҳамияти. Ҳозирги кунда санъат бошқаруви. Маданий соҳада арт менежментнинг ривожланиши, ижтимоий-маданий соҳа тушунчаси. Шарқ ва Ғарб маданий қарашларидаги фарқлар. Маданий хизматни ташкил этиш. Арт менежментнинг профессионал функциялари ва мажбуриятлари. Санъатнинг замонавий ҳолати ва унинг арт менежмент фаолиятига таъсири.

#### VII. Педагогик амалиёт

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади. Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятчи масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

#### Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (лойиҳа иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши (лойиҳа иши) талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

кейслар банки;

мавузулар бўйича тақдимотлар;

бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.).

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;

- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;

- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон портфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

#### Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва катогз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

## Адабиётлар

### 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.–176 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш останасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.–440 б.
3. Каримов И.А. Она юртимиз бахти икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.
4. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаи бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

### II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самардорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 5106-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Қорруқцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизimini янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сонли қарори.

### III. Махсус адабиётлар

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳораат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари. – Т.: 2000. – 218 б.
3. Исмаилов А.А., Жалалов Ж.Ж., Саттаров Т.К., Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий қурандан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. – 182 б.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
5. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
6. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.
7. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.
8. Махмудов И.И. Бошқарув профессионализи: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
9. Carla Stalling Walter. Arts Management: an entrepreneurial approach. USA. Routledge. 2015. 459 p.
10. Sibsan. “The modern conductor”. Pearson Prentice Hall. Англия, 2004.
11. Raymond Bisdorff, LuisC. Dias, Patrick Meyer, Vincent Mousseau, Marc, Pirlo. Evaluation and Decision Models with Multiple Criteria.- Springer-Verlag Berlin Heidelberg. - Germany, 2015
12. Benjamin Grosbyane. “Techniques of modern Orchestral Conducting”. Harvard University Press. USA, 2011
13. James L. McHard. “The Future of modern Music”. Sad Edition. Англия, 2005
14. Рахимов Ш. Мусиқа санъатига ўргатиш методикаси. - Т.: Ўқув қўлланма, 2009. – 224 б.
15. Маданият соҳасига оид меъёрий ҳужжатлар тўплами. Ўз.Р.Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, 2010 й.



16. List of Intangible Cultural Heritage in Need of Urgent Safeguarding. UNESCO, 2009
17. Janet Pillai. Learning with Intangible Cultural Heritage for a Sustainable Future. UNESCO, 2015
18. Basic Text of the Convention for the Safeguarding of the Intangible Cultural Heritage, UNESCO, 2014, Paris
19. Основные тексты Международной конвенции об охране нематериального культурного наследия. ЮНЕСКО, 2014 г.

#### IV. Электрон таълим ресурслари

1. [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)
2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. [www.learnenglishkids.britishcouncil.org/en/](http://www.learnenglishkids.britishcouncil.org/en/)
5. [www.learnenglish teens.britishcouncil.org/](http://www.learnenglish teens.britishcouncil.org/)
6. [www.learnenglish.britishcouncil.org/en/](http://www.learnenglish.britishcouncil.org/en/)
7. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
8. [www.dsmi.uz](http://www.dsmi.uz)
9. [www.dsmimarkaz.uz](http://www.dsmimarkaz.uz)
10. [www.unesco.org/culture/ich](http://www.unesco.org/culture/ich)
11. [www.ichcap.org](http://www.ichcap.org)
12. [www.nmm.uz](http://www.nmm.uz)
13. [www.natlib.uz](http://www.natlib.uz)

**ИШЛАБ ЧИКИЛГАН:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик маркази

/Директор У.Бегимкулов

“ 2 август 2017 й.  
м.ў.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти хушроқдаки Ўзбекистон кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази

Директор О.Хасанов

“ 15 ” сентябр 2017 й.

м.ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

Маданият вазирлиги Таълим муассасалари ва тармоқлари методик таъминлаш бошқармаси

бошлиги А.Ю.Илмашев

“ 1 август 2017 й.

м.ў.